



«20» 07 2020 yil

№ 695

Beshariq shahri

Бешариқ тумани Т.Мазокиров ММТП ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захира ерида ўтказилган танловда ғолиб бўлган фуқаро Аҳмедов Илхомали Хайдаралиевичга янгитдан боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер участкасини узоқ муддатли ижарада фойдаланишга ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 19.11.2005 йил №1523-сонли давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ва туман ҳокимлиги хузуридаги фермер хўжаликларига ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг 06.07.2020 йилдаги йиғилиш баёни ва ҳалқ депутатлари Бешариқ тумани кенгашининг 09.07.2020 йил кунги VI-IX/56-сонли қарорини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги фермер хўжаликларига ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 06.07.2020 йилдаги йиғилиш баёни ва ҳалқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг 09.07.2020 йил кунги VI-IX/56-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги захирасида бўлган Т.Мазокиров ММТП ҳудудидаги 4к,5,6к,27к,29к,30,31к-сонли контурларда бўлган жами 25,2 гектар шундан 19,3 гектар боғ ер майдонлари, 4,8 га яйлов 0,6 гектар йўллар, 0,5 гектар ариқ ва зовур ер майдонлари боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этиш учун танловда ғолиб бўлган фуқаро Аҳмедов Илхомали Хайдаралиевичга 49 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси туман Ер ресурслари хизмати ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Насриддинов) га юклатилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Т.Хусанов) га, туман Статистика бўлими (Ф.Давлатов) га тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Давлат хизматлари” маркази бошлиғи (М.Обидов) ларга, ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилаётган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман Ҳокими ўринбосари С.Артиковни зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Р.К.Жўраев.